



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati

МОСКВА
фожиасига
ЧЕЛОВЕКНИНГ
дахли ўўк!

Жорий йил 22 март куни Москва вилоятидаги "Крокус сити холл" концерт залида террористлар ҳеч қандай айбиз иззлаб тинч ахолига қаратади ўт оғди. Расмийлар 140 нафар тамошага келган одамлар ўлдирилгани, яна 360 нафари жароҳатланганини таъкидлашмоқда. Афсуски, улар орасида болалар ҳам бор.



Террористлар кўлга олинди ва сўроқ қилинмоқда. Амма унинг натижаларини кутмай АҚШ, Европа оммавий ахборот вositatalariда теракти исломий гурухлар амалга оширган, деб таъриф беришга уринмоқдалар. Хўш, бирор дин террорчиликни тарғиб қиладими, қўллаб-қувватлайдими, рағбатлантирадими? Фарғона вилояти бош имом-хатиби Убайдулло АБДУЛЛАЕВ шулар ҳақида мuloҳаза юритади.

Экстремизм ва терроризм нафақат алоҳида мамлакатларнинг миллий хавфислигига, балки да ҳажон ҳамхамиятига жиддий таҳжид солаётган омила гайланиб улгурди. Терроризм миллат ё дин танламайди, уни бирор миллат ёки динга нисбат бериш мутлақо нотўғри. Зоро, терроризмни ҳеч қайси дин, ҳеч қайси миллат оқламайди. Экстремизм ва терроризм ислом ва ислом умматига ёт хисобланади.

Афсуски, асримизда экстремизм ва терроризм хавфи ортмоқда. У сиёсий барқарорликни, миллий, фуқароларо ва миллатлараро тутувлини бузишга, кўп миллати ва кўп динли давлатни обрўзлантиришга замон яратмоқда. Россия давлатида тинч ахолига қаратади амалга оширилган террор ҳаракати ҳам бунинг исботиди.

Муқаддас ислом дини зулм ва зуровонликнинг ҳар қандай кўринишини

қатъий қоралайди. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди: "Албатта, Аллоҳ адолатга, ээгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузукчилик, ёвула ишлар ва зулмдан қайтаради" (Нахъ сураси, 91-оят).

Ислом бир инсонга тажовуз килишни бутун инсоннига тажовуз қилиш ёки бир инсон ҳаётини сақлаб қолиши бутун инсоннинг сақлаб қолиш, деб бахолайди: "Бирор жонни ўлдиримаган ёки ерда (бузунчилик ва қарокилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдириган одам ҳудди ҳамма одамларни ўлдириган кабидир. Үнга ҳаёт бахш этган (ўлимдан кутқариб қолган) одам эса, барча одамларни тирилтирган кабидир" (Моида сураси, 32-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай огоҳлантирилди: "Мусулмон мусулмоннинг бирордаририд, унга зулм қилмайди, уни таҳқирламайди, ёрдамсиз ташлаб қўймайди". Сўнг: "Таъво мана бу ердадир", деб кўклиялага уч марта ишора килдилар ва: "Мусулмон бирорданинни ҳақорат қилиши кишининг ёмонлигига етарили далилдир", дедилар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розиялаҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: "Мусулмонни сўкиш фосиқлик, ўлдириш эса куфрдир", дедилар (Муттағафакун алаих).

Ислом дини ва террор бир-бирига бутунлай қарама-қаршидир. Ислом бир инсонни ўлдириш ўёқда турсин, унга бироз озор

беришидан ҳам қайтаради. Пайғамбаримиз Мухаммад алайхиссалом: "Ҳаққий мусулмон унинг қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонга озор етмайдиган кишидир", деб таъкидлаганлар.

Демакки, муқаддас динимиз инсонни ноҳақ қон тўкиш у ўқда турсин, ҳатто кўл ёки тил билан ўзгаларга озор беришидан огоҳлантиргандир. Бироқ турли экстремистик ва террорни ташкилотлар ўзларининг гараси мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг айрим ғози ва тайомиллари мазмун-моҳиятини бир ёклама, нотўғри талқин қилиб, одамларни хидоят йўлидан адаштиришга уринмоқда.

Азиз бирордлар, муҳтарат ёшлар! Одамларни Ислом динидан кўришиб билан шуғулланувчилар – Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган ёвуз кимсалардир. Модомики, улар ҳар қандай қабиҳ исдан кайтас экан, мусулмонларни ёмонотлик қилиш, бўхтон ёғдириш, кўплаб хунрезлилар содир этишадан ҳам тап тортмайди. Бундай қинирликларни қандайдир кўринмас кучлар кўлида кўйирин юлалатган исломни никоб килган тўдалар зиммасига кўйиб, муборак Ислом дини билан боғлаша ҳаракат киладилар. Бу ёвуз кучлар динимизнинг маърифатпарвар гоялари ва ҳаётбахш ўйтларини узларининг манфур максадларига этишларида тўсик деб биладилар ва уни таънзулга учратиш учун жон-жадҳлари билан ҳаракат киладилар ҳамда бу мақсад йўлида ҳар қандай ёмонликни қилишга тайёрдилар. Сиз эса уларнинг бу каби ёлғон ба пуч дъяволарига учманг!

"Садои Фарғона" – "Фарғона ҳақиқати" газетасининг 110 йиллиги



2024 йилнинг 3 априлида "Фарғона ҳақиқати" газетаси ўзининг 110 йиллик юбилейини нишонлади. Бу водий қалам аҳли учун катта воқеа, албатта. Чунки ушбу нашр асосан водий журналистлари мактабининг шаклланишида мухим роль ўйнаган. Айтиш жоизки, газета ўтган йиллар давомида қай бир тузум ва тизимга хизмат қилмасин, энг аввало, ўкувчи манфаатини бирламчи деб билган. Агар нашр тарихига назар солсак, "Садои Фарғона" номи билан ўз фолиятини бошлаган газета не-не алломалар, шоири носирлар, бир сўз билан айтганда, зиёли аҳли учун ишончли минбар вазифасини ўтаганини кўрамиз. Чўлпондан тортиб, Ашурали Зоҳирийгача бўлган забардаст олимлар, жадидлик тўнини кийган юраги бут ватанпарварлар сўзи ҳам айни ушбу нашр орқали миллионлар қалбига етиб борган.

2 бет

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КУНДАЛИГИДАН

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИГА ХАТ

ОЗОДЛИК
Радиоси

2020 йил. Фарғона вилояти ҳокимлиги ахборот хизматида ишлар эдим. Вазифам нуқтаи назаридан барча оммавий ахборот вositatalarini кузатиб бораман. Шунда "Озодлик" радиоси шов-шувли ахборот тарқатди. Унда "Озодлик" журналисти "шахар ички ишлар бўлимида бир маҳбус уриб ўлдирилган", деди. Мана ўша хабар.

"Озодлик" радиоси: "Кувасой ички ишлар бўлимида калтаклангани идао қилинган маҳбус касалхонада ўлди.

Фарғона вилояти, Кувасой шаҳар, Азизов кўчасида яшаган 25 яшар Мирзоҳид Йўлдошев 6 май куни Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий Маркази Фарғона вилоят филиалида оламдан ўтди.

Бу ҳақда "Озодлик"ка 11 май куни хабар қилган яқинлари идаосига кўра, марҳум Йўлдошев "4 май куни Кувасой шаҳар ИИБ биносида калтакланганида умуртқа ва думгаза сўяги

сингани ортидан касалхонада оламдан ўтган".

Маҳбус оламдан ўтган Фарғона вилоят касалхонаси врачи Йўлдошевнинг ўлимини "Озодлик"ка тасдиқлади, аммо ўлим сабабларини тиббий сири деб айтмади.

Ўзини "Кувасой шаҳар ИИБ жиноят қидириув бўлими терговчиси" деб "Озодлик"ка таниширган шаҳс 4 май куни шаҳarda содир бўлган ўғирлик жиноятни юзасидан олиб борилган суриштирув доирасида Мирзоҳид Йўлдошев ИИБга олиб келиниб, гувоҳ сифатида сўроқ

қилинганини тасдиқлади. Терговчининг "Озодлик"ка айтишича, "маҳбус мавжуд қоидалар асосида сўроқ қилинган ва унга нисбатан жисмоний тазиён кўлланилимаган".

Мақола ёзилётган пайтда бу воқеа юзасидан ички хизмат текшируви бошлангани маълум бўлди.

Терговчига кўра, Йўлдошев 24 соатдан озроқ қамоқда сақланиб, 5 май куни ўйига жавоб берилган.

Мулозимдан олинган маълумот.

2 бет

